

**НАРКОТИКЛАР ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРДАН  
ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИНИ ИСБОТЛАШДА  
СУД-ТИББИЙ ТЕКШИРУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**Сулайманова Шоира Шарифжановна – РСТЭИАМ  
Тошкент вилоят филиали, суд-тиббий эксперт**



**Мирзахмедов Жаҳангир Мирхайдарович – РСТЭИАМ  
Тошкент вилоят филиали, суд-тиббий эксперт**

**Аннотация.** Ушбу мақолада наркотиклар ва психотроп моддалардан заҳарланиш ҳолатларини исботлаш ёки инкор этишда морфологик текширувлар билан бир қаторда суд-кимёвий, суд-гистологик ва бошқа турдаги текширувлар қўлланилишини аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

**Долзарблиги.** Наркотиклар ва психотроп моддалардан заҳарланиш ҳолатларини исботлаш ёки инкор этишда суд-тиббий текширувлари муҳим ўрин тутади. Ҳар бир ҳодисанинг тафсилотлари ва хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда морфологик текширувлар билан бир қаторда суд-кимёвий, биокимёвий, гистологик, гистокимёвий, физик, биологик, ботаник, фармакологик, бактериологик, микологик ва бошқа турдаги текширувларлар қўлланилиши ўз аҳамиятига эга.

Наркотиклар ва психотроп моддалар инсон организмига тушгач тез парчаланиши, даволаш жараёнида интенсив инфузион муолажалар ўтказилиши, заҳарланишдан сўнг кўпроқ вақт ўтганлиги ҳамда текширувларга обьект олиш ва текширувларни ўтказишдаги камчиликлар йўл қўйилиши, қолаверса, айrim кимёвий моддаларни аниқлаш усуслари ҳали ишлаб чиқилмаганлиги кўпчилик ҳолатларда суд-тиббий дигностикани мураккаблашишига ва баъзан нотўғри хуносага килишга сабаб бўлиши мумкин [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича наркотиклар ва психотроп моддалардан заҳарланиш ҳолатларини ўрганиш ва унга суд-тиббий баҳо бериш.

**Текширув материали.** РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг Янгийўл шаҳар ва туманлараро бўлимида ўтказилган мурдага оид экспертиза хulosаси маълумотларига кўра, 1995 й.т. В.Б. исмли эркак 2024 йилнинг 16 май куни Янгийўл шаҳрида жойлашган хушёрхона ховлисида вафот этган. Шу куни ўтказилган суд-тиббий текшируvida мурдани иккала тирсак бўғими соҳаларида нуқтасимон ярачалар (инъекция излари) мавжудлиги, трахея ва йирик бронхларида оқиш-пушти рангли, кўпикли шиллик мавжудлиги, ўпкалар ташки юзалари мармарсимон-сиёхранглиги, ушлаб кўрилганда зич-эластик консистенциялиги, ҳаводорлиги, кесмаларда қўп миқдорда қўпикли, суюқ қон ажралashi аниқланган. Мурдадан суд-кимё текшируvi учун олинган сийдик иммунохроматографик текшируv усули билан 12-талик мультитест орқали текширилганда марихуанна топилган. Шунингдек, сийдикни суд-кимёй текшируvini бошқа усуллари билан текширилганда наша компоненти-каннабиноидлар топилган. Суд-гистологик текшируvda паренхиматоз аъзоларда ўчоқларда веноз тўлақонлик, айrim қон томирларнинг паретик кенгайиши, эритростаз, эритроцитларнинг қисман гемолизи, эритроцитларнинг сояси, донадор массалар, артериола, майда артерияларнинг спазми, майда ўчоқли, периваскуляр қон қўйилиш ва диапедезлар, ривожланган оралиқ шиш, дистрофик ўзгаришлар; ўпкада ўткир нафас етишмовчилиги белгилари, майда ўчоқларда сурункали бронхиолопневмония; бош мияда шиш, нейронларнинг бўкиши; юракда кардиомиоцитларнинг гипоксик-дистрофик ўзгаришлари аниқланган.

Юқоридагиларга асосан якуний суд-тиббий ташхис “Асосий: Наша компонентлари билан заҳарланиш (сийдигида марихуанна ва наша компоненти-каннабиноидлар топилиши, паренхиматоз аъзоларда ўчоқларда веноз тўлақонлик, айrim қон томирларнинг паретик кенгайиши, эритростаз, эритроцитларнинг қисман гемолизи, артериола ва майда артерияларнинг спазми, майда ўчоқли, периваскуляр қон қўйилиш ва диапедезлар, ривожланган оралиқ шиш, дистрофик ўзгаришлар; ўпкада ўткир нафас етишмовчилиги белгилари, бош мияда шиш, нейронларнинг бўкиши; юракда кардиомиоцитларнинг гипоксик-дистрофик ўзгаришлари). Асорати: Ўпка ва бош мия шиши. Нафас ва юрак-қон томирлар ўткир етишмовчилиги. Ҳамроҳ: Майда ўчоқли сурункали бронхиолопневмония. Иккала тирсак бўғими ички юзаларида нуқтасимон яралар (инъекция излари)” қуйилган.

**Хулоса.** Наркотиклар ва психотроп моддалардан заҳарланиш аломатлари бўлган мурдалар суд-тиббий муассасага келтирилганда токсикологик текшируv учун объектлар имкон қадар тезроқ олиниши керак. Зарур ҳолларда қон ва сийдикдан ташқари ошқозон ичидаги моддалар, қусук моддалар, ахлат текшируvga олиниши лозим. Воқеа жойидан топилган наркотиклар ва

психотроп моддаларнинг қолдиқлари, идиши ёки ўрами тегишли текширувга учун олиниб, ўралиб экспертиза муассасасининг суд-кимё бўлимига йўллананиши зарур. Суд-кимё текширувлари натижалари ҳамиша воқеа тафсилотлари, катамнестик ёки клиник маълумотлар, мурданинг макроскопик ва микроскопик текширувлари натижалари билан биргаликда танқидий баҳоланиши керак. Бинобарин, хулоса тузишда тегишли текширувлар билан бир қаторда суриштирув ёки терговни ҳужжатлари маълумотларидан фойдаланиш эксперт хулосасини илмий-амалий асосланганлик даражасини оширади.

**Адабиётлар:**

1. Акалаев Р.Н., Лодягин А.Н. ва бошқ. Психотроп дори воситаларидан ўткир заҳарланишлар ташхиси //Shoshilinch tibbiyot axborotnomasi, 2020, 13-том, 5-сон, 79-86 б.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
4. Индиаминов С.И. Суд тиббиёти. Врач фаолиятининг ҳукуқий асослари: Дарслик. -Тошкент. “Навruz” нашриёти, 2020.
5. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “MERYUS” нашрёти, 2009.
6. Лужников Е.А. Медицинская токсикология. Национальное руководство. - М. ГЭОТАР-Медиа, 2014.
7. Лочинов Ф.Н., Ташпулатов Ф.Х. Турли заҳарланишлардан юз берган ўлимнинг суд-тиббий баҳолаш //Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси. 2022. Махсус сони, 112-114 б.
8. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М. ГЭОТАР-Медиа, 2018.